



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 31 октябрь, № 213 (4876)

Шанба

ЎЗБЕКISTON ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕХНАТКАШЛАРИГА

Қадри дўстлар!
Бугун бутун юртимиз, Ўзбекистонимиз ҳаётидаги қувончли бир воқеа билан, яъни мамлакатимиз пахтакорлари ўз зиммасига олган шартнома режасини муваффақиятли адо этиб, катта меҳнат ғалабасини қўлга киритгани, 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этишга эришгани билан барчангизни чин қалбимдан самимий табриқлайман.

Ҳаммамиз кутган бу ғалаба, авваламбор, захматқаш, кўпни кўрган деҳқон ва фермерларимизнинг, бу ютққа муносиб ҳисса қўшган мутахассис ва механизаторлар, барча қишлоқ меҳнатқашларининг азму шижоати ва фидокорона меҳнатининг натижасидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

Албатта, доимо ер билан тиллашиб, унга бутун борлигини бериб меҳнат қиладиган деҳқон учун қишлоқ хўжалиги соҳасида осон йилнинг ўзи бўлмайди. Айтиш кераки, 2009 йил мавсуми ҳам биз учун кўп жиҳатдан мураккаб бўлди. Аввало, баҳор серёғин келиб, иқлим инжиқлиги катта қийинчилик туғдиргани, сел ва дўллар кўпайгани, кўёш ҳароратининг етишмаслиги туфайли далавларни тайёрлаш, чигитни экиш ва тўла ундириб олиш жараёни, ҳаммамизга маълум, қарийб бир ой орқага сурилиб кетди.

Бундан ташқари, намгарчилик юқори бўлгани учун турли касалликлар, ҳашарот ва зараркундалар кўпайиб, деҳқон ва фермерларимиз учун яна бир жиддий синовга айланди.

Буларнинг барчаси деҳқонларимиздан ҳар туп гўза атрофида парвона бўлиб, экинга қўшимча ишлов бериш, агротехника тадбирларини сифатли ўтказиш, бир сўз билан айтганда, кунни — кун, тунни — тун демасдан, ҳар қачонгидан кўра эҳтиёткорлик билан иш тутишни талаб этганини тушуниш, англаш қийин эмас.

Сиз, моҳир пахтакорларимизнинг мақсад сари ана шундай тинимсиз интилиш, ҳар қандай оғир шароитда ҳам ишинг қўзини билиб меҳнат қилиш, энг муҳими, ўз кучингизга бўлган ишонч, мустақам ирода ҳисобидан барча синовларни енгиб, улкан ғалабага эришганингиз юксак таҳсин ва тасанноларга муносибдир.

Ҳеч шубҳасиз, бу йилги мавсумда, мана шундай ўта мураккаб шароитда сизлар қўлга киритган бу ютқ мамлакатимиз пахтачилиги тарихига алоҳида ёрқин саҳифа бўлиб қиради, албатта.

Бугунги катта ғалабага асос бўлган омиллар ҳақида гапирганда, бунинг замирида, авваламбор, истиқлол йилларида қишлоқ хўжалиги соҳасида узоқни қўзлаб амалга ошираётган туб ислохотларимиз, ота-боболаримизнинг бой деҳқончилик тажрибаси ва замонавий илм-фан ютуқлари билан бирга, деҳқон ва фермерларимизнинг меҳнатсеварлик, изланувчанлик ва омилкорлик фазилатлари мужассам эканини таъкидлаш ҳар томонлама ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Энг муҳими, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга, унинг истиқболини ўйлаб, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳал қилувчи кўнга айлишни учун мустақам қонуний ва ташкилий-амалий замин яратганимиз, бу ҳаракатнинг самарасини ошириш йўлида кенг миқёсда имтиёз ва имкониятлар туғдириб берганимиз нафақат бугунги ғалабага эришишда, балки қишлоқ ҳаётини янги босқичга кўтаришда гоят муҳим омил бўлганини, ўйлайманки, ҳеч ким инкор этолмайди.

Бу йилги мавсум якунлари ҳақида гапирар эканмиз, Андижон, Сурхондарё, Тошкент, Наманган ва Фарғона вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси меҳнатқашлари ишни уюшқоқлик билан ташкил этиб, шартномавий мажбуриятларини 25-30 иш кунда ортиги билан адо этишга эришганини мамнуният билан қайд этамиз.

Мамлакатимизнинг улкан пахта хирмо-

нига ўзининг салмоқли улушини қўшган Пахтабод, Олтинқўл, Қумқўрғон, Шеробод, Касби, Қизилтепа, Дўстлик, Нарпай, Наманган, Қува, Бобўт, Бўка, Эллиққалъа, Гурлан ва Вобкент туманлари пахтакорлари бу борада бошқаларга ўрнатилган бўлгани алоҳида таҳсинга сазовор.

Юртимиздаги минглаб илғор фермер хўжаликлари қаторида айниқса, Қўрғонтепа туманидаги "Оқсув", Олтинқўл туманидаги "Намуна гулшани", Бўка туманидаги "Сарқор", Чиноз туманидаги "Муқимий", Гурлан туманидаги "Ҳайитмат ота", Эллиққалъа туманидаги "Рўзимбой", Навбахор туманидаги "Муслим Мадаминов", Қамаш туманидаги "Ашур бобо", Поп туманидаги "Эрнар", Қува туманидаги "Олтин диёр", Қумқўрғон туманидаги "Тулистон" сингари фермер хўжаликлари ҳосилдорликни гектаридан 45-50 центнерга етказгани фермерлик ҳаракатининг қандай катта имкониятларга эга эканини яна бир бор исботлаб бермоқда.

Бу соҳада амалга оширган улкан ишларимиз қаторида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, деҳқонларимизнинг машаққатли меҳнатини қадрлаш ва муносиб рағбатлантириш, уларнинг ерга, мулкка, ўзи етиштирган маҳсулотга эғалик қилиш, моддий манфаатдорлик ва масъулият ҳиссини мустақамлаш йўлида олиб бораётган катта ишларимиз ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этаётганини қайд этиш зарур.

Айниқса, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли чоратадбирлар туфайли нафақат қишлоқларимиз қиёфаси бутунлай ўзгараётгани, шу билан бирга, деҳқонларимиз, қишлоқ аҳлининг онгу тафаккури, турмуш маданияти юксалиб, уларнинг эртанги кунга ишончи, ён-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, ҳаётга фаол муносабати кучайиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу йил пахтачиликда қўлга киритган натижа ва марраларимиз ўзининг юксак кўрсаткичлари, биринчи навбатда, ҳосилдорлик даражаси, тола сифатининг ўтган йилларга қараганда юқорилиги билан эътиборни тортади.

Шу сабабли бугунги кунда ўзбек пахтачи халқаро миқёсда тобора харидордир бўлиб, республикамиз ҳақон пахта бозорининг марказларидан бирига айлиб бормоқда. Бунинг тасдиғини беш йилдан буюн Тошкент шаҳрида ўтказилаётган, кўплаб нуфузли хорижий савдо компаниялари катнашиб келаётган халқаро пахта ярмаркасида катта ҳажмдаги шартномалар имзоланиб, бу соҳадаги ҳамкорлик алоқалари янада кучайиб бораётганида кўриш мумкин.

Ўз-ўзидан равшанки, иқтисодиётимизда етакчи ўрин тутадиган қишлоқ хўжалигида ер унумдорлиги ва самарадорлигини ошириш, хусусан, катта меҳнат, масъулият ва сафарбарлиқни талаб қиладиган пахтачилик соҳасига илғор тажрибалар, замонавий янги технологияларни кенг жорий этиш ҳисобидан деҳқон ва фермерларимизнинг даромадлари ва фаровонлигини янада ошириш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш масалалари биз учун бундан буюн ҳам устувор вазифа бўлиб қолади.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Сизларни бугунги юксак меҳнат ғалабаси билан яна бир бор кутлар эканман, барчангизга сийҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-осойишталик ва файзу барака тилайман.

Доимо бахтингиз, омадингизни берсин! Ҳеч қачон кам бўлманг, қадрдонларим!

Ислом ҚАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ПАХТАЧИЛИГИМИЗ ТАРИХИДАГИ ЯНГИ ЁРҚИН САҲИФА



Бугун мамлакатимиз аҳлининг шодлиги чексиз: фермерлар ва пахтакорларимизнинг фидокорона меҳнати эвазига жорий йилда 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд

«оқ олтин» хирмони бунёд этилди. Бошқача айтганда, улар давлатга пахта сотиш бўйича шартнома режасини шараф билан бажариб, юзлари ёруғ бўлишига эришдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Президентимизнинг қишлоқ хўжалигини тубдан ислох қилишга қаратилган Фармон ва қарорлари талаблари асосида бу соҳага берилаётган молиявий ёрдам, энгиллик ва имтиёзлар, шунингдек, фан ва техника ютуқлари ҳамда илғор технологияларни ишлаб чиқаришга изчил жорий этиш каби омиллар муваффақиятлар гарови бўлгани айни ҳақиқатдир.

Республикамиз иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан, пахтачиликнинг ўрни гоят катталиги барчага маълум. Шу боси давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва бевосита

(Давоми 2-бетда).

Ўзбек модели:

ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ ИНСТИТУТЛАР ВА ХОРИЖИЙ ИНВЕТОРЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Жорий йилда, ҳеч бир истисносиз, Ер юзидаги барча мамлакатлар, ўз миқёсига кўра, мисли қўрилмаган глобал молиявий-иқтисодий инқироз юзга келтирган ўта мураккаб ва одатдан ташқари вазифаларни ҳал этиш заруриятига рўбарў келдилар. Ҳақон миқёсига маҳсулотларга умумий талаб-эҳтиёжнинг кескин тушиб кетиши, шунинг оқибатида ташқи савдо, инвестицияларнинг қисқариши, иқтисодиётнинг таназзули ва давлат бюджетларига тақчилликнинг кучайиши — ушбу инқирознинг асосий аломатларидан.

МДҲ давлатлари ҳам бу синовлардан четда қолгани йўқ. Агар 2008 йилда ушбу мамлакатларда ўртача иқтисодий ўсш 5,5 фоизни ташкил этган бўлса, ХВЖ прогнозларига кўра, 2009 йилнинг якунида бу борадаги натижалар, аксинча, 6,7 фоиз миқдорда паства тушиб кетиши кутилмоқда. Жумладан, Украинада иқтисодий пасайиш 14 фоизни, Россия Федерациясида — 7,5, Арманистонда — 15,6, Молдовада — 9, Қозоғистонда 2 фоизни ташкил этиши мумкин.

Худди шу воқеалар билан боғлиқ равишда, аксинча, Ўзбекистондаги барқарор макроеқтисодий вазият, иқтисодий юксалишнинг узлуksиз юқори суръатларда давом этиб, 8 фоиздан ошиб натижаларни кўрсатаётганлиги, банк-молия тизими бир маромда, ишончли фаолият олиб бораётганлиги жаҳондаги бизнинг шерикларимиз ва дўстларимизнинг самимий


Ҳукумати, Марказий банки ҳамда хусусий сектор ва мамлакат жамоатчилиги вакиллари билан уршувлар ўтказдилар.

ХВЖ ижроси директорлари мамлакатимиз билан танишгач, қалбларида туғилган ёрқин таассуротларни ҳамда бугунги иқтисодий ютуқларимиз пухта пойдеворга асосланганлиги, бу пойдевор эса ўз тараққиёт модели ва иқтисодий ислохотлар дастурини амалга ошириш йўлида халқимиз кўп йиллар давомида астойдил ва собитқадамлик билан қилган улкан меҳнатнинг самараси эканлигига оид уларнинг фикр-ўйларини биргаликда матбуот учун қилган қўша баённома-ларидан олинган қуйидаги иқтибос ҳам очик-ойдин ифода этади: "Ўзбекистон Ҳукумати жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун зарур бўлган кўплаб ресурсларни жамлаган ҳолда, жаҳон молия бозорларида оқилона сиёсат олиб борди. Бундай пухта ўйланган сиёсат мамлакатнинг глобал молиявий-иқтисодий инқироз таъсирига самарали қарши тура олишига муҳим асос бўлди".

(Давоми 2-бетда).

Парламентдаги мухбирларимиз хабар қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатиди
Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ
масалалари
қўмитасининг мажлиси
бўлиб ўтди.



СУД ИСЛОҲОТИ ВА МАСЪУЛИЯТ

Унда "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан ижро этилиши масаласи кўриб чиқилди.

Қўмита ишчи гуруҳи ахборотида таъкидланганидек, бугун мамлакатимизда одил судловни амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоялаш бора-сида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётган. Чунки, бу йўналишдаги қонун

ҳужжатлари изчил такомиллаштирилмоқда. Шу йилнинг 15 январидан кучга кирган "Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳам суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Суд департаменти амалдаги қонунчиликни аҳоли ўрта-сида кенг тушунтириш, кадрлар салоҳиятини мустақамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг

(Давоми 2-бетда).

Кеча Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари
қўмитасининг йиғилиши
бўлиб ўтди.



ТАЪЛИМ ҚОНУНЧИЛИГИ ИЖРОСИГА БАФИШЛАНДИ

Унда "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ижроси юзасидан қўмита қарорларининг Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари томонидан қандай бажарилаётганлиги муҳокама этилди.

Қўмита режасига мувофиқ, 2005-2009 йилларда "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ижроси бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Сурхондарё, Бухоро, Жиззах вилоятларида назорат-таҳлил ишлари ўтказилган эди. Йиғилишда мазкур ҳужжатлар ижроси юзасидан қабул қилинган қўмита қарорлари Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари томонидан изчил бажарилаётганлиги қайд этилди.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида таълим муассасаларининг моддий-техник базаси анча мустақамланди. Жумладан, республика бўйича 9769 та мактабнинг 8501 тасида қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Бу мактаблар, айтиш жоизки, замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Лунда қилиб айтганда, таълимнинг ўзбек модели шаклланди.

Йиғилишда мавжуд қонун ҳужжатлари, қарорлар, буйруқлардан таълим муассасалари раҳбарлари ва ўқитувчиларининг хабардорлик даражасини янада ошириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Бундан ташқари, олий таълим муассасаларини замонавий лаборатория жиҳозлари,

(Давоми 2-бетда).

Қурилиш материаллари индустрияси:

ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 9 ойида мамлакатимизнинг иқтисодий-иқтисодий ривожланиши якунларига бағишланган йиғилишида қурилиш ишларининг қўламы ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 33,5 фоизга ошганини таъкидлаб ўтилди.

Муболагасиз айтиш мумкинки, юртимиз қурилиш индустрияси ривождаги ушбу юқори кўрсаткич маҳаллий қурилиш материал-

лари ишлаб чиқарувчиларидан белгиланган мақсад ва вазифаларни бажаришда қолоқликка йўл қўймастиклини талаб этмоқда.

Фармон ва ижро

Мазкур соҳадаги кўплаб йирик корхоналарни ўз таркибига жамлаган «Ўзқури-

9 оyi якунларига кўра, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 6,8 фоизга ошди. Асосий қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳажми ҳам барқарор равишда ортиб бормоқда: цемент 107,5 фоизга, шифер 105 фоизга, асбест қурувлар 130,6 фоизга, минерал момиқ ва

ундан тайёрланган буюмлар 140 фоизга, қопловчи плиталар 107 фоизга, пишган ғишт 104,8 фоизга ўсгани бунинг тасдиғидир. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва қурилиш материаллари sanoatini ривожлантириш тўғрисида»ги Фармонининг

(Давоми 3-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

олдини олиш ва уларга чек қўйиш, энг муҳими, суд ҳужжатлари ижросини таъминлаш юзасидан қўйилган наҳасларга эришаётир. Хусусан, 2009 йилнинг ўтган 9 ойи давомида суд ижросчилари иш юритишда 1,7 миллиондан зиёд ижро ҳужжати бўлиб, уларнинг 1,4 миллиондан ортиги бўйича ижро

СУД ИСЛОҲОТИ ВА МАСЪУЛИЯТ

ҳаракатлари тўхтатилган. Амалда эса ижро ҳужжатларининг 68,7 фоизи ечимини топган. Ушбу ҳужжатлар ижроси бўйича 1,5 триллион сўмдан ортиқ маблағ ундирилиши таъминланган.

Айни пайтда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этмаган шахсларни жавобгарликка тортиш масаласига ҳам эътибор кучайтирилди. Мисол учун, 2009 йилнинг 9 ойи давомида 17,4 минг нафар фуқаро ва мансабдор шахс жарима тариқасида жавобгарликка тортилди, улардан 980 миллион сўмдан ортиқ маблағ давлат бюджетига ўтказилди.

Мажлисда, шу билан бирга, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг ижро этилишида Суд департаменти ва унинг худудий бўлиmlари фаолиятидаги айрим камчиликлар ҳусусида ҳам сўз юритилди. Жумладан, қарзларни ундириш кўрсаткичи баъзи бир вилоятларда ҳамон пастлигича қолмоқда.

Сенаторлар суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш тизими самарадорлигини янада ошириш, шунингдек, бу бораддаги қонунчиликни тақомиллаштиришга қаратилган тақлиф ва тавсиялар беришди. Шу асосда қўмида қарори қабул қилинди.

Қобил ХИДИРОВ.

ТАЪЛИМ ҚОНУНЧИЛИГИ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

асбоб-ускуналар ва технологиялар билан таъминлаб бериш, назорат-таҳлил фаолияти довомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кераклиги қайд этилди.

Шунингдек, йиғилишда

мактабгача таълим тизимини тақомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар кўламини кенгайтириш ва жонлатириш муҳимлигига эътибор қаратилди. Маълумки, мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчилар сонини ошириш чораларини қўриш, педагог-тарбиячиларнинг олий маълумотли мутахассислар бўлишига эришиш бугунги кундаги

муҳим вазифалардан. Шу боис ҳам барча малака ошириш институтларининг педагогик, методик ва илмий фаолиятини ривожлантиришга амалий ёрдам бериб бориш, жойларда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларининг қўли биноларини реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда назорат-таҳлил якунларининг мувоқамаси юзасидан қўмитанинг қарори қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА.

ТОЗАЛИК — ОБОДЛИК ГАРОВИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг "Чикиндилар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳридаги ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда қўйи палата депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси, "Саноатконтехназорат" давлат инспекцияси, Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, Тошкент шаҳар ҳокимлиги худудий коммунал-фойдаланиш ва "Махсустрасно" бирлашмалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда мазкур Қонуннинг 7,8,10 ва 11-моддаларига мувофиқ, Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси, Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, шаҳар ҳокимлиги ва унинг худудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилганлиги эътибор этилди.

Жумладан, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ушбу Қонуннинг 11-моддаси ижросини таъминлаш, чикиндиларни бошқариш тизимини яхшилаш ҳамда қорхоналарни модернизация қилиш мақсадида шаҳар худудини санитар тозалаш тизимини тақомиллаштириш дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ қилинмоқда.

Ушбу дастур Жаҳон ҳамда Европа Тўқланмиш ва тараққиёт банклари томонидан молиялаштирилган бўлиб, ўтган вақт мобайнида чикиндиларни тўғлайдиган ва ташийдиган 3 та махсус қўй курилди.

Шунингдек, йиғилишда Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси томонидан Қонуннинг 7 ва 18-моддаларига ижросини таъминлаш мақсадида шаҳардаги қорхона ва ташкилотларда чикиндилар билан ишлаш меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилганлиги айтиб ўтилди. Масалан, айни куларда пойтахтимиздаги 673 та қорхона ва ташкилот ана шундай меъёрий ҳужжатлар асосида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мажлисда шаҳарда маиший ва саноат чикиндиларини тўплаш, ташвиш, жойлаштириш ва қайта ишлари билан боғлиқ ўз ечимини қутаётган айрим масалаларга ҳам эътибор қаратилиб, уларни бартараф этиш ҳусусида фойдали тақлифлар билдирилди.

Мувоқам қилинган масалалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ТАҲЛИЛИ

Шунингдек, қўйи палатанинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси ва Сенатнинг Тақлиф сўбат масалалари қўмитаси "Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш доирасида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишни қўллаб-қувватлаш" мавзусида давра сўхбати тақлиф этиди.

Тадбирда таъкидлаб ўтилгандек, мамлакатимизда жорий йилнинг 9 ойи давомида Президентимиз томонидан белгилан берилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилиши ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастури ижроси таъминлигини натижада иқтисоди-

ётинг барқарор ўсишига эришилди. Бу даврда янги ички маҳсулот ҳажми 8 фоизга ўсди. Экспорт қилувчи қорхоналар учун тижорат банклари томонидан 81 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилганлиги ушбу муваффақиятларга омили бўлди. Айни пайтда экспортни диверсификация қилиш ва янги бозорларни ўзлашти-

риш ҳисобига йилнинг биринчи ярмида экспорт ҳажми 13,4 фоизга ўсди. Савдо айланмаси эса 105 фоизга, яъни қарийб 1,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Шунингдек, йиғилишда жорий йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқариш қорхоналари салоҳияти 2,8 фоизга, ташқи савдодаги ижобий баланс 1 миллиард 571,2 миллион АҚШ долларига тенглашганлиги эътибор этилган ҳолда, галдаги вазифалар юзасидан бир қатор фойдали тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ.

ПАХТАЧИЛИГИМИЗ ТАРИХИДАГИ ЯНГИ ЁРҚИН САҲИФА

(Давоми. Боши 1-бетда).

кўрсатмаларига мувофиқ, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданок мазкур тармоқни ривожлантиришга, унинг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Натижада ўтган давр мобайнида нафақат пахта ҳосилдорлиги кўтарилди, балки юқори сифатли тола олишга эришилди. Бугунги кунда Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича жаҳонда олтинчи, уни экспорт қилиш бўйича келатгани шундан далолат беради.

Эътиборлиси, заминимизда етиштирилган пахта ва унинг толасига дунё бозорига талаб мақсади қўланганидир. Бундан ҳам муҳимроқ, "Август — пахта ҳосилгига хосил қўладиган ой" деб эълон қилиниб, бу даврда култивациялаш, сугорилиш, чеканкалаш, зараркунда ва касалликларга қарши курашиш, дефолиациялаш каби агротехник тадбирлар ўз вақтида, сифатли ўтказилгани мавжуд майдонларда мўлжалдаги ҳосил туғунчаларининг тўланишида муҳим омил бўлди.

Шу билан бирга, фермер ҳўжалиқларининг ер майдонлари оптималлаштирилиб, уларнинг ишчи-хизматчилари ҳар томонлама рағбатлантирилгани, қолаверса, ҳар бир худуднинг тупроқ-иқлим шароитига мос фўза навлари уруғи танлаб экилгани мўл, сифатли пахта хирмони яратишда мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, чиндан ҳам, ҳосил

тилгани, айниқса, ривождан ортида қолаётган фўза ниҳоллари ўтган йилдаги ҳолатга етказишда қўл келди. Хусусан, сув ҳавзалари ва омборларида етарли микдорда обиҳаёт жамғарилиб, унинг оқилона тақсимланишига эришилди, зарур микдордаги ми-

сифати ва салмоғи, қўп жиҳатдан, фўзанинг навиға бoғлиқ. Шу ўринда Президентимизнинг "Ҳар бир худуднинг ўз фўза нави бўлсин" деган пурмано кўрсатмалари асосида фўза навларини жойлаштиришга оқилона ёндашилаётганини таъкидлаш жоиз. Гап



Ҳосон ПАЙДОВ олган суратлар.

нерал ўғитлар ҳар йилдаги нисбатан 10-12 кун эртароқ етказиб берилиб, тизимли равишда мақсадли қўланганидир. Бундан ҳам муҳимроқ, "Август — пахта ҳосилгига хосил қўладиган ой" деб эълон қилиниб, бу даврда култивациялаш, сугорилиш, чеканкалаш, зараркунда ва касалликларга қарши курашиш, дефолиациялаш каби агротехник тадбирлар ўз вақтида, сифатли ўтказилгани мавжуд майдонларда мўлжалдаги ҳосил туғунчаларининг тўланишида муҳим омил бўлди.

Шу билан бирга, фермер ҳўжалиқларининг ер майдонлари оптималлаштирилиб, уларнинг ишчи-хизматчилари ҳар томонлама рағбатлантирилгани, қолаверса, ҳар бир худуднинг тупроқ-иқлим шароитига мос фўза навлари уруғи танлаб экилгани мўл, сифатли пахта хирмони яратишда мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, чиндан ҳам, ҳосил

шундаки, бугунги кунда асосий майдонларда мустақиллик йилларида яратилган юздан ортиқ фўза навлари парвариланмоқда. "Бухоро-6", "С-6524", "Наманган-77", "Ан-Боёвут-2", "Бухоро-8", "Бухоро-102" сингари навлар шулар сирасига қиради. Улар эрталлаштирилган, саноатбоғ тола бериши, қишлоқ ҳўжалиғи зараркунда ва касалликларига бардошлилиги жиҳатидан барчага манзур бўлмоқда.

Шу ўринда шартнома режаларини биринчилардан бўлиб удалаган Андижон, Сурхондарё, Тошкент, Наманган, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси деҳқон ва фермерларига қўлимизни қўқсимизга қўйган ҳолда, ҳар канча тазым қилсак, арзийди. Зеро, уларнинг мамлакатимиз юксак пахта хирмониға қўшган улushi, айниқса, салмоқли бўлди. Пахтабод, Олтинқўл, Қўмқўрган, Шеробод, Касби, Қўзилтепа, Дўстлик, Нарпай, Наманган, Кува, Боёвут, Бука, Эллик-

қалға, Гурлан ва Вобкент туманлари пахтакорлари пешқадамлар сафидан жой олиб, бошқаларга ўрнат бўлгани эса янада таъжибга лойиқдир. Шунингдек, Қўрғонтепа туманидаги "Оқсув", Олтинқўл туманидаги "Намуна гулшани", Бука туманидаги "Сарқор", Чиноз туманидаги "Муқимий", Гурлан туманидаги "Ҳайитмат ота", Элликқалға туманидаги "Рўзимбой", Навбахор туманидаги "Муслим Мадаминов", Қашаши туманидаги "Ашур бобо", Поп туманидаги "Эрназар", Кува туманидаги "Олтин диёр", Қўмқўрган туманидаги "Гулистон" сингари фермер ҳўжалиқлари ҳосилдорликни гектар ҳисобига 45-50 центнерга етказиб, айтиш мумкинки, фермер қандай бўлиши кераклигини амалда яна бир қарра исботлашди.

Бу худудларда, таъбир жоиз бўлса, йиғим-терим ишлари ушўқоқлик билан ташкил этилиб, иш ҳақи даля бошида мунтазам бериб борилгани тўғрисида хосил қўлдан фўрсатда йиғиштириб олинди. Пахта хом ашёсининг асосий қисми юқори навларга қабул қилинган бундан-да аҳамиятлидир.

Ҳаёт синовларида тобланган меҳнаткаш пахтакорларимизнинг пешона терини эвазига яратилган ҳосилдан келадиган даромад, энг аввало, юртдошларимизнинг ҳаётини фаровон, оғирини энгил қилишга, мамлакатимизнинг обод, иқтисодиётимизнинг янада тараққий этишига хизмат қилиши, шўбҳасиз. Зотан, аслида, қишлоқ ҳўжалигини юксалтиришга қаратилган пахта ва режалардан қўзланган мақсад ҳам ана шундан иборатдир.

Меҳнат галабангиз муборак бўлсин, азиз пахтакор ва фермерлар!

Икром ҲАХМОНОВ, Саид РАЪСОМОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жаҳондаги энг нуфузли халқаро молиявий-иқтисодий ташкилот етакчи ижроси директорларининг бундай расмий баҳоси Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримовнинг 2009 йил февралда Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида билдирган қўйидаги фикрларига тўла-тўғри ҳамоҳангдир: "Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислох этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тўзилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сўбат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган қучли тўғри, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасига яратди".

2009 йилнинг июнь ойида Ўзбекистонга таширф бўлган, энг аввало, Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотлар таъриба-си ва натижаси билан шавсан таннишишни ўзига мақсад қилган Халқаро валюта жамғармасининг бошқарувчи директори Доминик Стросс-Канн ҳам ўз таширфи якунларига бағишланган матбуот конференциясида сафари натижалари тўғрисида сўзлар экан, "Инқироз бизни Ўзбекистондаги ўтиш моделига янгича қарашга даъват этиди", дея эътироф этаркан, Ўзбекистоннинг ўз йўли ҳамда бозор ислохоти модели унинг иқтисодий юксалиш суръатларининг бугунги кунда жаҳонда энг юқори кўрсаткичлардан бири бўлиб эълон қилиниши таъминланганини алоҳида таъкидлади. Матбуот конференцияси давомида Д. Стросс-Канн Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Марказий банки Халқаро валюта жамғармаси билан ўрнатган узвий ва прагматик ҳамкорликка ҳамда ўзаро мулоқотларга катта эътибор қаратаётганини алоҳида алоҳида мамнун эканлигини изҳор этди. Ўзбекистон Республикасининг ХВЖ ва бошқа халқаро молиявий институтлар билан бундай ҳамкорлиги чуқур асослидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов глобал инқироз Ўзбекистонини умуман четлаб ўтди, деган қарашлари "ўта содда ва кеңириб бўлмас хато", деб баҳолаб, бу фикрни бир неча бор таъкидлади. Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий макон билан интеграциялашган қўп соғонали ва чамбарчас боғланиб кетган иқтисодиёти учун бу — ҳозирги яққол воқеалардир.

Масалан, экспорт ҳажми ва экспортдан келадиган тушум саноат ишлаб чиқаришининг усур суръатларига, бюджет тушумига, қорхоналар даромадиға ва бу даромадларнинг асосий капиталга инвестиция қилиниши имкониятларга, тижорат банклари фаолияти ва ресурс базасининг ўсиши ҳамда уларнинг мамлакатдаги инвестициявий жараёнини кредитлаш қобилиятиға ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон жаҳон савдосининг фаол широкисини сифатлида, глобал молиявий-иқтисодий маконға чуқур интеграциялашиб, унинг таркибий бир бўлаги бўлиб қолди. Шундай бўлиб қолган, Ўзбекистон иқтисодиётининг глобал иқтисодий тизимға интеграциялашуви мустақилликка эришилгандан кейинги ўтган давр мобайнида изчил равишда қучайиб борди. Ўзбекистонда 2008 йилда экспорт ҳажми 41 фоиздан зиёдини ва ташқи савдо айланмаси 79 фоиздан ташқи етганилиги таъмин қилинди. Шу ўринда айтиб ўтишмиш керакки, инқироз таъсирида ишчиларнинг ва халқаро савдо ҳамининг пасайиши Ўзбекистон экспорт қилинган маҳсулотлар ва товарларга бўлган эътиҳаг ҳамда уларнинг ҳажондаги нарҳини қанчалик таъсир кўрсатмаслиғи мўлҳин эмас эди. Энг аввало, 2009 йилда бу таъсир кимё саноати, машинасозлик, тўқимачлик

тармоқлари ва авиация хизматидаги экспортни қорхоналар фаолиятида сезилди.

Ўзбекистонда худди шунга ўқарш салбий ҳодисалар бундан кейин тўқсизланмаслиға йўл қўймаслик учун 2008 йилнинг иккинчи ярмидаёқ мамлакатда Инқирозга қарши чоралар дастури устида иш бошланди. Бу иш якуни бўйича 2008 йилнинг ноябрь ойида мамлакат иқтисодиётига жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсири оқибатлари минимал даражада бўлишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилинди. Булар экспортчи қорхоналар ва реал сектордаги қорхоналарға самарали мадад кўрсатишға, ички талабни рағбатлантиришға, транспорт йўллари ва коммуналчиға, таянч ва иқтисодий инфратузилмаларни кенг қўламда модернизация қилишға қаратилган чоралардир.

Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурини баҳолаб экан, ХВЖнинг бош-

сурслари ҳисобидан банкларнинг капиталлашувини ошириш мақсадида 490 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди. Юқорида кўрсатиб ўтилган маблағларнинг ҳаммасини банклар 2009 йилда Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасини оширган ҳолда уларға фойзалар белгилаб, фақат инвестициявий мақсадларға йўналтирилмоқда.

Қўрилган чора-тадбирлар натижасида, экспорт ҳажмининг ўсиш суръатида пасайиш кузатилишиға қарамастан, капитал қўйилмалар республикада иқтисодий юксалишнинг муҳим омилгига айланди, кичик бизнес жадал ривожлана бошлади, қорхоналар ва аҳоли ички талаб-эътиҳагида ўсиш қўзға ташланди.

Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида иқтисодиётнинг амалдаги ўсишини инобатға олиб айтилган бўлсақ, 2009 йилда иқтисодий инвестицияларнинг ўзлаштирилиши ҳажми 26 фоиздан кўпроққа, пудратчиликка

Ўзбек модели: Халқаро молиявий институтлар ва хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик — муваффақият омили

қарувчи директори шундай дейди: "Ўзбекистон раҳбарияти ЯИМнинг 4-5 фоизи даражасида иқтисодий рағбатлантиришни тавсия этишни кенг миқёсда дастури қабул қилди. Бундай дастурни қабул қилишға эса уна-мунча давлат журъат эти олайди. Биз Инқирозга қарши дастурға киритилган чора-тадбирларни тўла қўллаб-қувватлаймиз, чунки улар ХВЖнинг ўз аъзо-давлатлариға қилаётган тавсияларига ва тутган йўлиға тўла мос келади".

Молия вазирлиғи мамлакат молиявий тизимининг ишончилиғи ва мунтазамлиғини таъминловчи етакчи иқтисодий орган сифатида, молиявий сектордаги барча ҳўлатлар оқимини — давлат молиясини, қорхоналар молиясини, аҳоли даромадини, банк ва банқдан ташқари секторлар молиясини мунтазам равишда таҳлил этиб келмоқда. Бундай таҳлил маблағлар оқимини бошқариш, энг аввало, инвестициялар ва ички талабни фаоллаштириш ҳисобидан иқтисодий юксалишни таъминлаш йўналишларида тежвор ва энг самарали чораларни қўриш имконини бермоқда.

Инқирозга қарши чоралар дастурида банк тизимини янада мустаҳкамлаш муҳим ўрин тутди. Шунини айтиб ўтишмиш керакки, Ўзбекистон "умумий қадилликка олиш" ва савдога учраган банк ҳамда компанияларни ўзаро қўллаб-қувватлашдек сунъий равишда йўлга қўйилган ярамас усуллардан воз кечди. Чунки бундай вазиятда бюджет маблағлари инвестициявий ҳамда иқтисодий муассасаларни ҳал этишға эмас, балки омонатчиларнинг маблағларини ўғирлаб келган тузилмаларнинг йиритилиши ямашға сарф этилади.

Ўзбекистон банк тизими мўлҳож бақарор ва ҳен бир "заҳарли" актиға эға бўлмаган тизимға айланди. Бирок экспорт ҳажмининг ўсиш суръатини пасайтириш эҳтимоли мавжуд бўлган шароитда инвестиция жараёнининг фаолигини рағбатлантириш учун 2008-2009 йиллар давомида давлат ре-

лардан зиёд кредитлари ва инвестицияларини жалб этиш қўзда тутилган. Ҳозирги кунда умумий қўймаги 19 миллиард доллардан ортироқ бўлган 80 дан зиёд лойиҳаларни инвестициялаш ва молиялаш бўйича аниқ манбаёлар белгилаб, хорижий шериклар билан шартномалар имзолашди.

Бу шериклар орасида Осмё Тараққиёт банки (ОТБ), Жаҳон банки (ЖБ), Ислон Тараққиёт банки (ИТБ) ва бошқа халқаро молиявий институтлари алоҳида ўрин тутди. Узлуқсиз макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсишининг юксак суръатларини таъминлаш, тузилмавий ўзгаришларни изчил амалга ошириб бориш, шунингдек, иқтисодиётини ҳамда унинг таянч ва иқтисодий инфратузилмаларини босқичма-босқич модернизациялаштириш боришини таъминлашға қаратилган Ўзбекистон иқтисодий стратегия халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик қўламининг янада жадал ўсиб боришиға замин яратди.

Мисол учун, авваллари йилиға ўрта ҳисобда бир марта қарз маблағлари ажратувчи Жаҳон банки фақат 2009 йилнинг ўзида Ўзбекистон Республикасиға умумий микдори 148 миллиард доллардан зиёд ўта узоқ муддатли имтиёзли кредит ажратди. Бу маблағ ирригация-мелиорация ва коммунал инфратузилмаларни модернизация қилиш мақсадиларига сарфланди.

Осмё Тараққиёт банки иқтисодий кенгаши томонидан "Ўзбек миллий автомагистрალი" лойиҳаси босқичларидан бирини амалга ошириш учун 2008 йилда тақдим этилган 75 миллион долларға қўшимча равишда жорий йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон минтақаларида коммунал инфратузилмаларни модернизациялашға қаратилган йирик дастур маъқуллаб, уни амалга ошириш учун яна 300 миллион доллар маблағ ажратилди. Унга қўшимча равишда ОТБ Ўзбек миллий автомагистрალი Бухоро ва Нукус ўртасидаги 220 километрдан зиёд умумий узунликдаги бўлакнинг цемент-бетон билан қопланган 4 лосали автомобиль йўлида ўта участкадаги қурилишни молиялаштириш мақсадида 500 миллион долларлик қарзни тайёрлашға киришди.

Ибратли томони шундаки, Ўзбекистоннинг шериклари кенг қўламда инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш бўйича ўз имкониятларини кенгайтириш ва ривожлантириш мақсадида ўзаро ҳамкорликни тобора мустаҳкамлаб бормоқдалар. Масалан, ОТБ, Жаҳон банки ва Халқаро ҳамкорлик бўйича Япония агентлиғи (ЖАЙКА) ҳозирги кунда Талимаржон иссиқлик электр станциясида кичик станцияли ва юқори вольтли линияларға эға бўлган икита буг ва газ тизими инсталляция қурилиши бунёд этиш лойиҳасини молиялаш юзасидан биргаликда пакет тайёрламоқдалар. Ҳамкорликда тайёрланган ушбу пакетни молиялаш ҳажми 800 миллион доллар атрофида бўлиши қўлимкоқ.

Ислон Тараққиёт банки ОПЕК жамғарма-

си ва Кувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси билан шерикликда Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги ирригация-мелиорация тармоқларини тиклашға йўналтирилган лойиҳани амалга ошириш учун умумий микдори 93 миллион доллардан зиёд молиявий маблағни тавсия этимоқдалар. Бу эса 400 минг гектардан ортиқ қишлоқ ҳўжалиғи экинзорларининг ҳосилдорлиғи сезиларли даражада оширилишини таъминлайди.

Юқорида келтирилган далиллар халқаро молиявий институтлар, хорижий инвесторлар ва етакчи халқаро компаниялар билан молиявий-инвестициявий ҳамкорликни жадал ривожлантириш йўналиши Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурида салмоқли ўрин тутшини аққол намойиш этади. Биз Ўзбекистон жаҳон иқтисодий тизимининг таркибий бир бўлаги эканлигини жуда яхши тушунамиз ва шу боисдан халқаро молиявий институтлар билан ўзаро узвий муносабат ва мустаҳкам алоқалар юза-

си ва Кувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси билан шерикликда Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги ирригация-мелиорация тармоқларини тиклашға йўналтирилган лойиҳани амалга ошириш учун умумий микдори 93 миллион доллардан зиёд молиявий маблағни тавсия этимоқдалар. Бу эса 400 минг гектардан ортиқ қишлоқ ҳўжалиғи экинзорларининг

Кувейт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси бош директорининг ўринбосари Ҳишом ал-Вакаён 2009 йилнинг 21-23 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикасида бўлди.

Кувейт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси вакилининг ташрифи давомида 22 октябрда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси билан Кувейт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси ўртасида

этиш, узунлиги 68 километр дренаж канални реконструкция қилишни ўз ичига олади. Шунингдек, лойиҳанинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш ишлари амалга оширилади, қишлоқ ҳўжалик

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

кредит битими имзоланди. Ушбу битимга мувофиқ, Кувейт жамғармаси томонидан "Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ирригация-дренаж тармоқларини қайта тиклаш" лойиҳасини молиялаш учун 4,34 миллион Кувейт динари (15,62 миллион АҚШ доллари эквиваленти) миқдориде кредит ажратилади.

Мазкур лойиҳани амалга оширишдан мақсад мавжуд ирригация-дренаж тизимларини модернизация қилиш ҳамда янгиликларни қуриш орқали Жиззах (210,0 минг гектар) ва Сирдарё (222,0 минг гектар) вилоятларидаги суғориладиган қишлоқ ҳўжалик майдонлари ҳосилдорлигини оширишдан иборат. Бунда ҳосилдорлигини ошириш лойиҳа амалга ошириладиган ҳудудларда ҳўжаликлар ва аҳолининг даромадини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Лойиҳа ишлари Сирдарё вилоятидаги узунлиги қарий 347 километр мелиорация тизимини реконструкция қилиш, 268 километр дренаж тизимини қайта тиклаш ҳамда 50 та вертикал дренаж қудуқ қазилни ўз ичига олади.

Жиззах вилоятида баҳариландирилган ишлар эса янги, самарали энергия насос станцияси ва узунлиги 15 километр сув олиб келинадиган машина канални барпо

ишлаб чиқарувчиларига институционал ёрдам кўрсатилади.

Лойиҳани 2009-2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Лойиҳада Кувейт араб иқтисодий ривожланиш жамғармасидан ташқари, молиялаш ҳажми 65,37 миллион доллар эквивалентига тенг маблағ билан Ислон Тараққиёт банки ва ОПЕК фонди ҳам иштирок этмоқда. Бу борада жалб этилаётган хорижий инвестициялар 81,0 миллион доллар миқдорини ташкил этади. Кувейт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси тақдим этаётган кредит йилга 2,5 фоиз ставкаси билан 21 йилга, жумладан, 6 йиллик имтиёзли шарт билан берилмоқда.

Кувейт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси икки томонлама ҳамкорлик давомида Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг турли жабҳаларидаги лойиҳаларни молиялаш учун умумий қиймати қарий 26 миллион Кувейт динарига тенг (90,0 миллион доллар эквивалентда) юқорида қайд этилган кредит билан бирга 5 та кредит, шунингдек, умумий қиймати 0,35 миллион Кувейт динарини ташкил этадиган (1,12 миллион доллар эквивалентда) 2 та грант тақдим этган.

(Ў.А.)

Курилиш материаллари индустрияси:

ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Республикамизнинг ҳар бир ҳудудиде давом этаётган қурилиш жараёнини узлуксиз, зарур ҳажмда қурилиш материаллари билан таъминлаш мақсадида эса, «Ўзқурилишматериаллари» компанияси томонидан ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш билан боғлиқ барча чора-тадбирлар рўйбга чиқарилмоқда. Жумладан, соҳани модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун жорий йилнинг 9 ойи давомида компания корхоналарида қарий 40 миллион АҚШ доллари сарф қилинди. Бу белгиланганидан 2,5 баравар ортди. Мазкур маблағнинг самараси ўлароқ, нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошди, сифати яхшиланди, балки сарф-харажатларнинг камайиши ҳамда энергия ва бошқа ресурсларнинг иқтисод қилинишига эришилди.

Таъкидлаш жоизки, электр энергиясини сарф қилувчи асбоб-ускуналарнинг янада самаралилигига алмаштирилиши, энергияни тежовчи технологияларнинг татбиқ қилиниши ҳам режадаги ишларни амалга оширишда муҳим омил бўлади. Хусусан, «Қизилқумецент» ОАЖда айланма хумдон ва 3-технологик линиядаги хумдон агрегатининг капитал таъмирлиниши орқали қарий 4,7 миллион куб метр табиий газни тежаш имконияти яратилди. «Охангаронцемент» ОАЖда тегиримон эҳтиёт қисмларининг алмаштирилиши туфайли соатига 986 минг кВт/соат электр энергиясини иқтисод қилинади. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг 9 ойи давомида 5706 миллион кВт/соат электр энергияси, 7,2 миллион куб метр газ ва 7789 Гкал. иссиқлик энергиясини тежаб қолди. Мазкур кўрсаткич пулга ўғирилса, қарий бир миллиард сўмини ташкил этади.

Бундан ташқари, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг ижроси йўлида ҳам фаол ишлар олиб борилмоқда.

Дастурга кўра, 38 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, пировардида республикамизнинг барча ҳудудларида оҳақ, гипс ва цемент ишлаб чиқарувчи 6 та янги қувватни, йилига 90 миллион дона гишт ишлаб чиқарувчи 15 та корхонани, томёқич материалларини ишлаб чиқарувчи 6 та корхонани, шунингдек, гипсокартон, қурук қурилиш қоринчалари, бўр, пластик материаллар, вермикулит, ром ва эшик блоклари, шиша пакетлар каби замонавий материалларни ишлаб чиқарувчи

лиги йили» Давлат дастурига мувофиқ, шунингдек, қишлоқ ҳудудларида фирма дўконларини очиш масаласи ҳам диққат марказида турибди. Мисол учун, истеъмолчиларни ҳамёнбон нархларда сифатли қурилиш материаллари билан таъминлаш долзарб вазифа эканлигини ҳисобга олган ҳолда, ушбу йўналишда 77 та ўрнига 125 та дўкон ишга туширилди. Улар республикамизнинг барча вилоятларида, шу жумладан, бориш қийин бўлган жойларда ҳам фаолият юритмоқда. Дўкон


бирлар тўғрисидаги қарори талабларини бажаришдан иборатдир. Ҳозирда жойларда амалда фаолият юритаётган, гишт ишлаб чиқарувчи 623 та корхона инвентаризация қилиш ҳамда энергияни тежовчи технологияларга ўтувчи корхоналарни қайта жиҳозлаш билан боғлиқ таклифларни тайёрлаш ишлари якунланмоқда. Мазкур мониторинг ишлари натижасида гишт ишлаб чиқарувчи 234 та корхона модернизация қилинади. Бундан ташқари, жорий йилда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида йилига 282,4 миллион дона гишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган 39 та янги корхонани барпо этиш режалаштирилмоқда. Йил бошидан бери 66 та корхона фойдаланишга топширилди. Уларда ҳар йили 331,5 миллион дона гишт маҳсулот тайёрланади.

Айни кунларда жамоамиз асосий эътиборни мамлакатимиз лойиҳалаштириш институти томонидан қишлоқларда қурилиш ишларини амалга оширишга доир ишлаб чиқилган янги намунавий лойиҳалар, жумладан, маҳаллий қурилиш материалларидан юқори даражада фойдаланишга қаратмоқда. Зеро, мазкур масала «Ўзқурилишматериаллари» компаниясини фаол иштирок этган яққа тартибдаги уй-жой ва ижтимоий соҳадаги объектлар қурилишига доир намунавий лойиҳалар республика кўрғазмасида алоҳида таъкидлаб ўтилган. Шунинг билан олган ҳолда, соҳада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар узлуксиз, тасдиқланган жадвалларга мувофиқ, янги намунавий лойиҳалар бўйича қурилаётган объектларга етказиб берилмоқда.

Аҳмадjon ХОДЖАҚУЛОВ, «Ўзқурилишматериаллари» компаниясининг бошқарма бошлиғи.

Мутасар қилиб айтганда, маҳаллий қурилиш материаллари индустрияси бундан бунён ҳам мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилаверади. Шу мақсадда компания жамоаси барча амалий чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Болабой БЕКМАТОВ.



бир қатор янги корхоналарни барпо этиш мўлжалланган. Бугунгача 31 та лойиҳа тўлиқ амалга оширилди, қолганларини жорий йилнинг 4-чорагида якунлаш режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга, 6 та кон тикланиши ва реконструкция қилиниши белгиланган эди. Ҳозирда 4 та конда ишлар тўлиқ якунланди. Жиззах вилоятидаги «Гандумтош» қонида гишт ишлаб чиқариш учун хом ашё қазиб олиш ишлари бошлаб юборилди, Қорақалпоғистон Республикасида «Зенелбулоқ» талк-каробонатли тошлар қони тикланди, Қашқадарё вилоятидаги норуца материаллари қазиб олинган «Қўшбоши» қони ва Бухоро вилоятидаги «Миродод» гипс қонида эса қўзда тутилган юмушлар ниҳоясига етказилди.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровон-

лининг аксарияти терминал билан таъминланган бўлиб, тўлов учун пластик қарточкалар қабул қилинмоқда. Ўтган давр мобайнида эса фирма дўконларида умумий қиймати 34,8 миллиард сўмлик маҳсулотлар сотилди.

«Ўзқурилишматериаллари» компаниясининг олдиде турган асосий вазифалардан яна бири Президентимизнинг «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тад-

бирлар ҳам ортмоқда. Лекин жойларда ичимлик сувидан мақсадсиз фойдаланиш, уни исроф қилиш ҳолларига дуч келаямиз. Агар «Авлод» булоғидан чиқаётган сув 1968 йилда секундига 30-31 литрни ташкил этган бўлса, бугун у 15-16 литрга тушгани ҳам буни тасдиқлаб турибди. Шунинг билан олган ҳолда, ҳар биримиз она-табиат инъоми — обиҳаётнинг қадрига етишимизни, уни асраб-авайлашимизни ҳаётнинг ўзи тақозо қилаётгани аён бўлади.

Айни кунларда туман «Сувоқова» корхонаси жамоаси Шўрсой ва Наврўз қишлоқлари аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида уч километрлик сув тармоғини барпо этмоқда. 2009-2012 йиллар мобайнида эса Ҳўжамайхона ариғи сувини бойсунга келтириш режалаштирилган. 23,5 километрлик бу улкан иншоот қурилиш учун Корейнинг «Эксимбанк» томонидан 12 миллион 505 минг АҚШ доллари миқдориде маблағ ажратилди. Лойиҳа ниҳоясига етгач, шаҳар ва 30 дан ортқ қишлоқлар бир кеча-кундузда 3910 куб метр ичимлик суви билан таъминланади. Ҳозир янги иншоотда бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилаётти.

Абди ҚОДИРОВ.

БОЗОРБОЙ ОҒАНИНГ АРЧАЛАРИ

Шовотдаги «Анор» фермер ҳўжалиғи раҳбари Бозорбой Оқмановни нафақат Шовот туманида, балки Хоразм вилоятида ҳам яхши билишади. У бундай ҳурмат-эҳтиромга фидойи меҳнати, аниқроғи, машҳур арчалари билан эришган.

Гап шундаки, Хоразмда арча экиш одат тусига кирамаган, ҳатто тажриба, олма, ўрик, шафтоли сингари ўсимликнинг нисбатан анча шўрроқ майдонда ўсиб ривожланишига шуб-

ўзи истиқомат қилаётган Хитой қишлоғи кўчаларининг икки томони ва фермер ҳўжалиғи далаларини

Изланиш

нинг бир қисмида арча ниҳоллари етиштиришга киришгач, уларни сўраб мурожаат қиладиган корхона, ташкилот ва

муассасалар сони орта бошлади.

Бугунги кунда Бозорбой оғаниннг арчаларини Урганч шаҳри кўчаларида, «Авесто» боғи, Жалолидин Манғуберди мажмуаи ва бошқа кўплаб хиёбонларда, туман марказий кўчалари ҳамда кўпгина корхона, ташкилот ва муассасалар ҳовлиларида учратишингиз мумкин.

Бойсун тумани осмонўпар тоғлар билан ўралган бўлиб, ҳудудни обиҳаёт билан таъминловчи Ҳўжамайхона ариғи, Дарбанд дарёси мазкур тоғлардан оқиб келади. Аҳоли эса шу воҳода, асосан, чўл ва сувсиз майдонларда истиқомат қилади. Бойсунтоғининг ўрта қисмида бир кентик бор. Кетмон шаклини эслатадиган бу жой кўзга яққол ташланади.

СУВ КЕЛТИРГАН — ЭЛДА АЗИЗ

Айтишларича, дostonларда битилган шериорак Фарход Кетмончопи тоғини кесиб, сув чиқармоқчи бўлади. Бироқ Ёсуман кампир уни шаштидан қайтариш ниятида «Рақибларинг Шириннинг шартини аллақачон бажариб, чўлга сув чиқаришди. Ана, қара...» дея қуёш нурида сувга ўхшаб қумушисимон товланиб ётган ҳисобсиз буйран кўрсатган экан...

Балки бу ривоятдир. Аммо ушбу ривоятнинг замирида тоғли Бойсун халқининг асрлар давомида сув ҳақидаги орзулари ифодаланган бўлса, не ажаб?

Истиқбол йилларида, айтиш мумкинки, бу борада аниқ режа асосида анчагина ишлар бажарилди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ҳамда табиий газ билан таъминлашни яхшилашга қаратилган қарорларида сўнг иш-

лар кўлами янада кенгайди. Ўтган йили 600 погон метрлик сув қувурлари таъмирдан чиқарилгани, «Авлод-Бойсун», «Тўда-Бойсун» ичимлик сув иншоотлари ишга туширилиб, Сари-

Инфратузилма

осиё, Боғиқола, Чорқинор, Газа, Сафедхоки, Сарғиёз, Бибишарин қишлоқлари аҳолисини ичимлик суви билан таъминлангани шундан далолат беради.

— 2006 йилгача туман бўйича 1890 хонадонга ичимлик суви қувурлари тортилган бўлса, бугунга келиб, уларнинг сони 2310 тага етди, — дейди вилоят «Сувоқова» ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Абдукарим Худойназаров. — Сир эмас, аҳоли нуфусининг ўсиши баробарида, сувга бўлган

ЖАҲОН 24 соат ичида

Ижобий кўрсаткичлар кузатишмоқда

Дунё оммавий ахборот воситалари Америка Қўшма Штатлари иқтисодиёти аста-секин оёққа тура бошлагани ҳақида хабар бермоқда.

Хусусан, «Евроньюс» телеканалда келтирилишича, мамлакатда яқли икки маҳсулот ҳажми жорий йилнинг учинчи чорагида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3,5 фоизга ўсган. Шунингдек, ушбу чорақда экспорт, истеъмол харажатлари ҳамда қурилиш соҳасига инвестиция киритиш миқдори ҳам ортган.

Шундай бўлса-да, америкаликлар бу ижобий ўзгаришларни ҳали-бери ўз турмушларида сезмасликлари мумкин. Чунки мамлакатда қарий 7 миллион нафар киши ишсиз ҳисобланади.

Нефть омборида ёнғин

Ҳиндистоннинг Ражастон округидаги нефть омборида ёнғин чиқди.



туфайли 5 киши ҳаётдан кўз юмган, 150 нафар одам турли даражада тан жароҳати олган. Омборхона атрофида истиқомат қилувчи аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилган.

Ҳозирча воқеа сабаблари аниқ эмас. Ҳуқуқ-тартибот идоралари тафтиш ишларини олиб бормоқда.

Гаров эвазига озод этилади

Сомалилик қароқчилар бортида Украинаниннг 24 нафар фуқароси бўлган «Ариана» (Греция) кемасини гаров эвазига озод қилишга розилик берди, дейилади «Рейтер» ахборотида.

Келишувга кўра, босқинчилар 3,5 миллион АҚШ доллари эга бўлишгач, талабни қондиришади. Эслатиб ўтамиз, «Ариана» кемаси жорий йилнинг 2 май кунини Ҳинд океанидаги Сейшель ороллари атрофида кўлга олинганди.

Ишсизлик муаммоси

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бошланганидан бери ҳар тўққиз нафар германияликдан бири иш жойидан айрилган.



2008 йил октябридан 2009 йилнинг сентябригача 3,2 миллион киши ишсиз қолган.

Инқироз, асосан, шартнома бўйича вақтинчалик меҳнат қилаётганлар, шунингдек, меҳмонхона, қурилиш ва аграр соҳада ишлаётганларга салбий таъсир кўрсатган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

куйдаги кафедралар бўйича 2009-2010 ўқув йилига бўш ўрин лавозимларга танлов эълон қилади:

Table with 3 columns: №, Кафедралар, Доцент

Танлов мuddати — эълон чоп этилган кундан бошлаб 30 кун. Танловда қатнашини хоҳловчилар куйдаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 20-уй, ТАЙИ ҳодимлар бўлими, 156-хона. Тел.: 232-15-29.

ПП «ЧИРЧИК ШАНХАЙ ПЛАСТ»

ПРОИЗВОДИТ НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ

ДИАМЕТРОМ ОТ 16 мм ДО 1200 мм ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ, КОМПЛЕКТУЕТ АДАПТЕРАМИ, СОЕДИНИТЕЛЯМИ, ОТВОДАМИ, ТРОЙНИКАМИ. ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДОЧНЫЕ РАБОТЫ.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятимизда бир қатор ишлар амалга ошириляпти.

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИНИ ЯХШИ БИЛСА...

Чунинчи, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа тегшли ҳужжатлар аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилинмоқда.

Қарор ва ижро

иштиёқ кучайиб бораёпти. Улардан тушаётган мурожаатлар фикримизга далил бўла олади. Шу ўринда мисолларга мурожаат қилсак. Бухоро шаҳридаги А. Сомий кўчаси, 41-уй, 25-хонадонда яшовчи Мажнун Нутфуллаева «Ал-Азиз» хусусий фирмасига қарашли савдо дўконидан «Indesit» русумли музлаткич харид қилганини, аммо у кафолат мuddати тугамай туриб, носоз ҳолга келганини билдириб, истеъмолчи сифатида ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўради. Ариза юзасидан ўтказилган мониторинг кузатувларида истеъмолчи ҳақлиги аниқланди ва ҳодимларимиз аралашуви билан музлаткич янгисига алмаштириб берилди. Яна бир ҳолат. Бухоро шаҳри Қ. Муртазоев кўчаси, 13/3-уй, 12-хонадонда яшовчи Ольга Смирнова 170 минг сўмлик электр тўлқинли печь харид қилганини, бироқ нуқсонли бор бу жиҳозни сотуви қайтариб олишдан бош тортганини айтиб, бизга мурожаат этди. Ҳодимларимиз аралашуви билан харидор қўрган зарар қолди. Умуман олганда, жорий йилнинг олти ойида бирлашмамизга истеъмолчилардан 583 та ариза тушган бўлса, шундан 564 таси истеъмолчи фойдасига ҳал қилинди.

Айни пайтда жойларда аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий билимини юксалтиришга қаратилган тушунириш-тарғибот ишлари қўламини янада кенгайтиришга ҳаракат қилияёмиз. Зотан, истеъмолчилар ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билсаларгина, уларнинг манфаатларини таъминлашга доир муаммолар юзга келмаслиги аниқ.

Султон ДАВРОНОВ, Бухоро вилояти истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари бирлашмаси раиси.

Alliance Insurance Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига! «ALLIANCE INSURANCE» СУГУРТА ТАШКИЛОТИ

«Ўзбексумир» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси жамят Бош директорининг ўринбосари Носиржон Умаровга онаси НАЗОКАТ аяниги вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мусиқа жонсиз танга жон, руҳсиз вужудга руҳ бағишлагани ҳақида Шарқу Фарб илми, адабиётда фаразлар, афсонаю ривоятлар жуда кўп. Ақсарият мутахассислар муסיқанинг яратилишини инсон зоти пайдо бўлиб, табиат ҳодисаларига, ҳайвонларга тақлидан ё илк бор қилиб ёхуд ийлаганда чиқарган ун-товушларга боғлаб изоҳлайдилар. Аждодларимиз мусиқани шифо, наҳот деб билганлар.

чалар эгаллаб олиши ҳам ҳеч гап эмас". Афсуски, шундай бўлганди ҳам. Телевидение, турли диску кас-сетлар орқали тарқалаётган сон-садоқсиз клиплар, клипбозлик "ом-мавий маданият"нинг бизнинг за-минга осонгина кўчиб ўтиши, илди-оттиши учун жуда қулай шароит яра-пти.

Ана шу ҳавотир уйғотаётган ҳоди-санинг кенг ёйилиши хусусида

турк, форс-тожик тилидаги қўшиқлар-ни ўша тиллар табиати, талаффуз ху-сусиятларини мутлақо эътиборга ол-май, мазмунини тушуниб-тушунмай қўйлаш (Едгор "Гуликам", Севинч "Ар-тик севмай жейим"), муסיқага тақ-лид қилишни (турк, эрон, араб, ҳинд ва Фарб муסיқасига) айтинг. Жўра-бек исми хонанда нафақат мусиқа, балки клип сюжетини, ўз имижини, фонини, қилиқларини, ҳатто қўшиқ матнига

ҳа қилиб уйнаётган йигитлар томошбагина кўрқув ҳиссини солмуви қиёфага қираётганла-рини билишармикан, деб ўйлаб қолсан. Наҳотки, жа-моатчилик, ота-она, устоз-му-раббий, олимۇ фузалю, шоирю адибларнинг бирортаси бу бо-рада аюхонасо солмай, лоқайд тураверса?! Юртбошимиз ай-тмоқчи, "бепарво одам душ-мандан ҳам хавфлироқдир". Дар-ҳақиқат, "Бефарқ одамлардан кўрқ - улар сени ўлдирмайди ҳам, сот-майди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфай-ли ер юзидә хиёнат ва қотиллик-лар содир бўлаверади".

Албатта, фақат салбий жиҳатлар-ни қайд этиб, бугунги миллий эстра-дамиздаги ижобий томонларни ин-кор қилмоқчи эмасмиз. Зеро, бугун ёшларимизнинг ўз эстрадамизга ин-тилиши, янги-янги истеъдодларнинг пайдо бўлаётгани яхши ҳодиса. Бу-нинг учун Президентимиз томонидан ҳар томонлама шароит ва имконият-лар яратилаётганини алоҳида таъкид-лаш лозим. Бинобарин, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасининг ташкил этилиши, санъат олий ўқув юртал-рида эстрада факультетларининг очилиши, турли муסיқий тадбир ва танловлар, қўшиқ байрамлари, Ўзе-бекистон Президентининг "Нихон" му-қофоти тасвир этилиши каби қатор амалий ишлар миллий эстрадамиз ривожининг асосий омилларидир. Бирок соҳага эътибор қилиниги ай-ричи худдатлар нияти қилишларинг, хусусан, энгилтат ёшларнинг бу имкониятларни турли усулларда суиистеъмол қилишларига изн бер-майди. Кўр-қўна тақлид, қайсидир хорижий куй-қўшиқ ва қўшиқчиларга ошқора эргашини ё ҳеч бир андиша-сиз улардан ўзбекча қилиб нухса кўчириш — бу санъатни таназзулга олиб келадиган ҳодиса.

Фасллар алмашган паллада, айниқса, ҳаво ҳарорати пасайиб боргани сари аҳоли ўртасида шамоллаш, шунингдек, юқумли хасталиқларга чалиниш ҳолатлари кўпаяди. Бундай мавсумий хасталиқларнинг олдини олиш, уларни энгилроқ ўтказиб боришда иммунопрофилактика, яъни эмлаш тадбирлари ўзига хос аҳамиятга эга.

МАВСУМИЙ МУОЛАЖАНИНГ САМАРАСИ

Дарҳақиқат, касалликни даволашдан кўра, унинг ол-дини олиш осонроқ. Халқи-миз орасида "Соғлиқ бит-та, касаллик эса мингта", деган гап бор. Бу ҳар бир қишга ўз саломатлигининг қадрига етиб, касаллиниш-дан сақланишининг барча воситаларидан унумли фой-даланиш зарур-лигини ҳамиша эслаб туради. Шунини айтиш ке-ракки, мамлакатимиз тибби-ёт соҳасида амалга ошири-лаётган ислохотлар нафақат касалликни даволаш, балки унинг олдини олиш учун ажа-зарли имкониятларни юзага келтирмоқда. Соғлом ин-соннинг иммунитетини оши-риш орқали касалликка бе-рилувчанлигини камайти-риш мақсадида ўтказилади-ган эмлаш муолажалари ана шундай имкониятлардан би-ридир. Эмлаш тадбирлари бола туғилган пайтдан бош-ланиб, тақвимий жадвал асосида амалга оширилади. Бунинг натижасида унинг организмида шол, сил, кўкйўтал, қоқшол, бўғма, қизамик, тенки сингари хавфли касалликларга нис-батан ишончли тўсиқ яра-тилади. Агар вакцина олма-са, мисол учун тенки касал-лиги ўғил болани бепуш-ликка олиб бориши, қиза-мик эса оғир зотилғам, ме-нингит сингари хавфли асо-ратларни келтириб чиқари-ши мумкин. Мавсумий му-олажанинг нафи ҳақида га-пирадиган бўлсак, масалан, мамлакатимизда болалар ўртасида шолга қарши оммавий эмлаш ўтказилган-дан сўнг ўтган йиллар да-вомида мазкур касалликка чалинганлар қайд этилмади.

гripp, қизамик, тепкинги олдини олиш мақсадида эмлаш муолажалари давом этирилимоқда. Мазкур та-дбирни муваффақиятли таш-кил этиш, бирорта боланинг эмлашдан четда қолмасли-гини таъминлаш мақсадида шифокорларнинг катта гу-руҳи бу юмушга жалб этил-ган. Эмлаш иш-лари шаҳар ва туманлардаги марказий поли-рақки, мамлакатимиз тибби-ёт соҳасида амалга ошири-лаётган ислохотлар нафақат касалликни даволаш, балки унинг олдини олиш учун ажа-зарли имкониятларни юзага келтирмоқда. Соғлом ин-соннинг иммунитетини оши-риш орқали касалликка бе-рилувчанлигини камайти-риш мақсадида ўтказилади-ган эмлаш муолажалари ана шундай имкониятлардан би-ридир. Эмлаш тадбирлари бола туғилган пайтдан бош-ланиб, тақвимий жадвал асосида амалга оширилади. Бунинг натижасида унинг организмида шол, сил, кўкйўтал, қоқшол, бўғма, қизамик, тенки сингари хавфли касалликларга нис-батан ишончли тўсиқ яра-тилади. Агар вакцина олма-са, мисол учун тенки касал-лиги ўғил болани бепуш-ликка олиб бориши, қиза-мик эса оғир зотилғам, ме-нингит сингари хавфли асо-ратларни келтириб чиқари-ши мумкин. Мавсумий му-олажанинг нафи ҳақида га-пирадиган бўлсак, масалан, мамлакатимизда болалар ўртасида шолга қарши оммавий эмлаш ўтказилган-дан сўнг ўтган йиллар да-вомида мазкур касалликка чалинганлар қайд этилмади.

Тиббиёт

Мавсумий муолажани му-ваффақиятли ташкил этиш, кўп жиҳатдан, аҳоли ўрта-сида тарғибот ишларининг кенг йўлга қўйилиши билан боғлиқ. Шундан келиб чи-қиб, шифокорларимиз ушбу тадбирдан четда қолган бо-лада касаллик ниҳоятда оғир ўтиши, ҳатто янчили оқибатларга олиб келиши-ни ота-оналарга атрофлича тушунтириб боришараяти. Вилотиямизда 14 ёшга бўлган болалар сони 692963 тани ташкил этади. Улар вакциналарни тўла олишлар-и устидан қатъий назорат ўрнатилган. Бу тадбирнинг сифатли ўтказилиши, айтиш мумкинки, келажакимиз эга-ларининг юқумли касаллик-ларга чалинишининг олди-ни олади, улар соғлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда республика-мизнинг барча худудлари қаторида вилотиямизда ҳам мавсумий хасталиқлар —

Азизомон НАБИЕВ, Наманган вилоти соғлиқни сақлаш бошқармаси баш педиатри, олий тоифали шифокор.

«КЎНГИЛ ҚУВВАТИ — ХУШНАВОЗДИН...»

бўлган инсонга, хусусан, унинг тарбиясига қандай таъсир кўрсатар экан?

Муסיқашунос олима, санъатшу-нослик номзоди Ирода Дадажоновна илмда исботланган шундай далилларни келтиради: "Қўллаб тадқиқотлар натижаларига кўра, шовқинли, масалан, рок-н-ролл ва диско йўналишидаги мусиқа одам-ларнинг саломатлигига зарар етқа-зади. Бу йўналиш ишқибозлари мак-табда ёмон ўқийди, соғлиги ҳам яхши эмас, шунингдек, депрессия-га мойиллиги кўпроқ бўлади. Клас-сик мусиқа муҳиблари эса, одатда барқарор, вазмин сажияли, ақл-за-коватли ва юксак ахлоқ эгалари эканлиги тан олинган".

Албатта, бу билан барча фақат классика — мумтоз куй-қўшиқ тинг-лаши керак, деган нарсанинг ўз на-вабати, мuddати бор. Ёшларнинг энгил, шовқинли муסיқига мойиллик-ларини табиий ўсиш, ёш хусусият-лари билан боғлиқликда кўриш ке-рак, албатта. Аммо ўша шовқинли оханларни ҳам ёқимли бир тарзда, маъно-мазмунга йўғириб, кўримли ва эшитганда оғир зил босмайди-ган шаклда тақдим этиш мумкин-ку! Бу фақат изланиш ва маҳорат талаб этувчи жараён. Бинобарин, бугунги ўзбек миллий эстрада йўналиши ҳақида шундай фикр айтиш, уни из-ланаётган, маҳорат касб этаётган жараён, дейиш мумкинми?!

Юртбошимизнинг "Юксак маъна-вий — энгилмас куч" рисоласида-ги мана бу фикрлар диққатни тор-тади: "...агар инсоннинг қулоғи энгил-ели, тумтароқ оханларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадиий диди, мусиқа ма-данияти пасайиб кетиши, унинг маънавий олами сохта тушун-

Юртбошимиз ўз рисолаларида яна "...бизнинг миллий анъаналари-мизга, ахлоқ-одоб қондаларига мутлақо тўғри келмайдиган клип-лар..." борасида сўз юритганлар. Улардаги тил эклектикаси, "ному-носиб ҳаракатларни ... янгича ус-луб" деб билаётган ёш ижрочилар-

Маънавият

ни танқидий нигоҳдан ўтказган. Агар турли телеканаллардан эфир вақ-тининг энг қулай палласида кунига бир неча соатлаб (ҳозирда бу яна оммалашиб, метро бекатлари, вок-заллар, аэропорт, шаҳарлараро ва шаҳар ичи автобуслари ҳамда яна бошқа транспорт воситаларига ўрнатилган телевизорларда куну тун давомида) тақдор ва тақдор қўй-лаётган муסיқий клипларни кузатиб, уларнинг умумий жиҳатларини та-сир қиладиган бўлсак, анъана ту-сини олган ва олаётган ўта сал-бий ҳолатларни қайд этишимиз мумкин. Сўзимиз қуруқ бўлмасли-ги учун ёшлар ўртасида машҳур бир гуруҳнинг репертуаридан мисол:

Сен, хей мани исмим биласани, кимман, Чувак? Ўзини териториенда юр. Аралашма мани ишларимга ов, чундимми? Сур если че, ман наварот, паварот, ўв, чочаман. Манбу чуввараларини олиб сур бўттан.

Сур бўттан.
Ман Нооооооррттоооооий.
Шунингдек, бир неча тилларни (ўзбек, рус, инглиз ва ҳокзо) қори-штириб, қўшиқ матнига сўқиб ("Бэйби гёрл (?) доим маники бўл", "так что у мани севмади бекор, чунки маңда авторитет бор" (Ботир ва Азиза "Дўстлик ва муҳаббат" клипи), араб,

турк қўшиқчиси Тарканга кўр-қўна тақлид қиладди. "Чикир-чикир юрак-чалар так-так этиб, Аста бориб юз-ларингдан м...оҳ (ўғил тақлиди) этиб". Ижро маданиятининг ноҳорлиги, овоз имкониятлари бордек, бирок диасиз, пала-партиш ёндашуш, сохта ва суюқ имиж яратишга уриниш (Даврон Эргашев, Асилбек Негматов)...

Булар шунчаки дастлабки кўрик-ларда пайдо бўлган таассуротлар. Агар минглаб, ўн минглаб нухсалар-да тарқатилаётган дисклардаги клиплар махсус ўрганилса, бу ом-мавий "санъат"даги галати қилиқ-лар рўйхати катта бир китобга жо бўлса, ажабмас. Инчунин, биз ма-саланинг кўзга аққол ташланган но-хуш жиҳатларини қайд этдик. Би-нобарин, моҳиятга қараб теранроқ нигоҳ ташлана ва мушоҳада этил-са, мавжуд манзара кишини чуқур ўйга толдиради. Орият кўзгалари, киши ўзининг муқаддас туғғали-ва ота-боболардан мерос қадрият-ларининг топталиб, ҳақоратланаёт-ганини сезиб, алам отади ёнади.

Шуларни мушоҳада эта туриб, ўша қўлини елкалари оша илон нус-

Оқиғи, Мустақиллик, Наврўз ва бошқа байрамлар муносабати билан қўшиқлар яратиб борасида ўтказилган тадбирлар ҳамда унинг ижодий-бадиий савиясини назоратга олиш тажрибаси Ғуломжон Ёқубов, Ғиёс Бойтоев, Зулайхо Бойхонзо, Иззатилла Иброҳимов, Абдулла Шомарулопов, Гулсанам Мамазонова, Озодбек Назарбеков, Тоҳир Содиков ва яна бир қатор ижрочилар мисолида ўзининг яхши самараларини берди. Бу Ватан, халқ, истиқлол, она-юрт, одамлилик, муҳаббат мавзусидаги ўнлаб тарбиявий аҳамиятга мойил гўзал қўшиқларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. "Янонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловиди-ги каби профессионал шоир, бастакор ва хонанданинг ҳамкорли-гида бир-бирини тушуниб, яхши бир қўшиқ яратиш тажрибасини ҳам-миса қўллаш зарур. "Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйгани маъқул" деганларидек, ҳар жиҳатдан профес-сионалларнинг ҳамкорлиги санъатинг, хусусан, эстрада қўшиқчили-гининг ҳам тўла профессионализм асосида ривожланиши учун зарур ва муҳим омилдир.

Шухрат РИЗАЕВ.

Спорт • Sport

Самарқандда 1996-1997 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида чим устида хоккей бўйича Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди.

СОВРИН САМАРҚАНДА ҚОЛДИ

Олти кун давом этган мусобақалар якунига кўра, Самарқанд шаҳридаги чим устида хоккей бўйича ихтисос-лаштирилган Олимпия захиралари бо-лалар ва ўсмирлар спорт мактаби тар-бияланувчилари ғолибликни қўлга ки-ритишди. Фарғона ва Андижон вилот-лари вакиллари кейинги ўринларни эгалладилар.

Қизлар ўртасида ҳам самарқанд-лик спортчиларга тенг келадиган ра-қиб топилмади. Наманганлик қизлар иккинчи, фарғоналиклар эса учинчи ўринга сазовор бўлишди.

А. САТТОРОВ, «Хаақ сўзи» мухбири.


КУЧЛИЛАР САРАЛАНДИ

Гулистон шаҳридаги "Алломиш" спорт мажмуасида қаратэ бўйича ёшлар ўртасида Ўзбекистон кубоғи мусобақалари бўлиб ўтди.


Унда Қорақалпоғистон Республика-си, Тошкент шаҳри ва вилотлардан 1000 нафарга яқин қаратэчилар иштирок этди.

Яқинда умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин Андижон, иккинчи ўрин Сурхондарё, учинчи ўрин эса Самарқанд вилоти спортчиларига насиб этди.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ.



ҚИШЛОҚДА МУҲТАШАМ МАКТАБ



Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар туфайли бугун энг чекка ҳудудларда ҳам замонавий ўқув масканлари қад ростламоқда. Барча шарт-шароитга эга, сўнгги русумдаги компьютерлар билан жиҳозланган бундай таълим масканлари қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшаётир.

Таълим

Хусусан, Нишон тумани-даги Учмула қишлоғида за-монавий умумтаълим мак-таблари сони яна биттага кўпайди.

Қишлоқда ўқувчилар сони ошганлиги сабабли, энди иккита мактаб фао-



лият кўрсатмоқда. Кўркам, замонавий ва барча қулай-ликларга эга мазкур янги таълимни ривожланти-ришга юксак эътибор қаратилаётгани туфайли қишлоғимизда ҳам муҳта-шам ўқув масканлари бар-

по этилди. — дейди 22-мактаб ўқитувчиси Фотима Холтурева. — Бундай гамжўрлик ўғил-қизларимизнинг илгма иш-тиёқини кучайтириш, биз, ўқитувчилар зиммасига юксак масъулият юклайди.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар.

СУТГА ҚЎШИЛГАН СУВ

"Сут келди, қаймоқ, твороғлар бор!" Тонг-сахар-дан эшитиладиган бундай овозни кўп қаватли уйларда яшайдиганлар яхши билишадди. Уларнинг иши маълум: одамларнинг сут ва сүт маҳсулотларига бўлган қундалик эътижини қондириш. Кимдир бу маҳсулотларини бозор ёки магазиндан харид қилса, кўпчилик янги соғилган сут ёки яқинда тайёрланган, деб қаймоқ ва шунга ўйлаш нарсаларни маҳаллаларни кезиб юрадиган сотувчилар-дан олади. Магазиндан олинган маҳсулотларнинг сифати, истеъмол мuddатига ишонамиз. Аммо бақлажла-ларда келтирилаётган сутнинг соф ва тозаллигини қандай билиш мумкин?

Яқинда кўшимиз нолиб қолди. Унинг айтишича, набира-си кечаси билан иситмалаб, қайт қилиб чиқибди. Шифокорга кўрсатишган экан, у эскирган сутни ичиргансизлар, дебди.

— Очиги, шифокор ҳақ эди, — дейди кўшимиз. — Набиранин-нинг томоғи оғриб тургани учун

публика "Шошилич тиббий ёрдан" илмий-амалий маркази-нинг Зангиота тумани филиали шифокори Ортикали Исоев. — Илоҳи борича, янги соғилган сутни ўша куннинг ўзидаёқ ичиш керак. Қўлда соғилган икки-уч кунлик сутга, ал-батта, микроб ту-шади. Бу эса, ўз навбатида, тур-ли ички касалликларини келти-риб чиқаради. Шифокор сифа-тда магазинлардан қадоқланган ёхуд махсус идишдаги сутни ха-рид қилишни тавсия этган бўлар-дим. Зеро, мамлакатимизда са-ломатликни асраш, касалликлар-га қарши курашиш ва уларни бартараф этиш бўйича - кенг

қўламли ислохотлар ҳаётга тат-лоқ этилмоқда. Айниқса, соғлиқ-ни сақлаш тизимида рўй бера-ётган янгиликлар ҳар бири-мизни қувонтирмоқда. Буларнинг барчаси инсон учун, унинг ман-фаатлари йўлида хизмат қилаётган, шубҳасиз, Зеро, саломатлик-дан ортқ неъмат йўқ. Шундай экан, бундай шарт-шароитнинг қадрига етиш билан бир қатор-да, саломатлигимизга салбий таъсир этиши мумкин бўлган озиқ-овқат сифатига ҳам жиҳдий эътибор қаратиш мақсадага мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Дарҳақиқат, саломатлик — бе-баҳо бойлик. Шу боис бир-би-

римиз билан кўришганда, авва-ло, тансиҳатлик сўраймиз. "Ас-салому алайкум" деган калом за-мирида ҳам бир-биримизга хо-тиржамлик ва саломатлигимиз-дек эзгу истак муҳжасам. Аммо, минг-минг таассуфи, орамизда соғлиқдан кўра бойлиқни устун қўйиб, арзиман даромад илин-жида одамлар саломатлигига қилиб-билмай зарар етқазаёт-ганлар учрайди. Гуноҳдан той-масдан сутга сув қўшадиғанлар хатти-ҳаракатларининг нечоғли қимматга тушаётгани ҳақида ўйлашармикан?

Озиқ-овқатни харид қилаётган одам ҳар доим ҳам олаётган маҳсулотининг сифатига, яроқли-лик мuddатига синчковлик билан эътибор қаратмайди. Афсуски, бундай бепарволик эскирган сут ва озиқ-овқат маҳсулотларининг бозори авж олишига асосий омил бўлиб хизмат қилаётир. Истеъмолчининг ўз ҳақ-хуқуқлари-дан бебаҳарлиги натижасида ар-зон маҳсулотларга учиб, турли касалликлар келиб чиқиши ҳолатлари учрамоқда.

Халқимизда "Кингир ишинг қийғи қирқ йилдан кейин ҳам чи-қайди" деган нақл бор. Инсон са-ломатлигига раҳна солиши мум-кин бўлган маҳсулотларнинг эски ёки яроқсиз эканлигини билиб ту-риб сотиш ҳам гуноҳ саналади. Ноқўя ташланган қадам эса ҳеч қачон жавобсиз қолмайди.

Бу ҳаёт қонунига айланган, аммо сизу биз ҳар доим ҳам эътибор беравермайдиған оқдийгина ҳақиқатдир...

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

Хаақ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 903. 32373 нухсала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Ўзлонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятта келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида тералди ҳамда операторлар Ж. Тоғева ва М. Бегмуратов томонидан сақдаланди.

Г - Тижорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Набатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Набатчи — Ю. Бурунов.
Муасхасх — Ш. Машраббеов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.45 Тошпирилди — 23.30

1 2 3 5